
8,8 КМ ТУПРОҚЛИ ЙЎЛЛАР ШАҒАЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Туманимизда кўчаларни шағаллаштириш ва асфальтлаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилаётгани ҳақида хабарлар бериб бормоқдамиз.

Фарғона вилояти ҳокими, вилоят фуқаро муҳофазаси бошлиғи Хайрулло Бозоровнинг 2023 йил 18 майдаги “Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманлари маҳаллаларидаги ички кўчаларнинг шағаллаш бўйича махсус-тактик ўқув машқларини ўтказиш тўғрисида”ги буйруғига асосан туманимиздаги дастурларга тушмаган маҳаллаларнинг ички йўлларини шағаллаштириш белгиланган.

Ушбу топшириққа асосан, ҳашар йўли билан туманимиздаги маҳаллаларнинг 8,8 км қисмига тош-шағал ётқизиш режалаштирилган. Ички кўчаларни шағаллаштириш учун 103 млн. 900 минг сўм маблағ йўналтирилади.

Туман ҳокимининг сайёр қабулларида Гулистон МФЙнинг Чўянобод кўчаси аҳоли вакилларида шағаллаштириш бўйича мурожаатлар тушган эди. Ҳозирда кўчани шағаллаштириш ишлари бошланди. Аҳоли вакиллари эътибордан хурсанд.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-25 16:55:20